



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2005 йил 19 октябрь, чоршанба

№ 84 (11.783)

Эркин нарҳда сотилади

Бельгияда Ўзбекистон иқтисодийоти кунлари

Брюсселда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири В.Гольшев бошчилигидаги делегация иштирокида уч кунлик Ўзбекистон иқтисодий форуми ниҳоясига етди.

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонаси кумагида ташкил этилган мазкур анжуман доирасида Фламанд сармоя ва савдо бўйича агентлиги ҳамда Валлон экспорт ва хорижий сармоялар бўйича агентлигида Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва сармоявий лойиҳалари тақдиротлари бўлиб ўтди. Уларда Фландрия, Валлония ва пойтахт шаҳар – Брюссель ҳудудларида жойлашган 100 дан ортиқ фирма ва компаниялар вакиллари қатнашди.

Мамлакатда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари, сармоявий муҳитни яхшилаш ва республикада давлат тасарруфидидаги санат объектларини хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан қабул қилинган янги қонун ўзбекистон делегацияси раҳбари тақдим этган маълумотлар Бельгия бизнеси вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Тақдирот маросимларида Давлат мулки қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго», «Ўзбекенгил-санаят», «Ўзкимёсанаят» давлат акциядорлик компаниялари, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, республика савдо-санаят палатаси вакиллари билан иқтисодиётнинг турли соҳаларида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришнинг кенг имкониятлари тўғрисидаги ахборотларини ўртоқлашди.

Жамшид МУТАЛОВ,
«Жаҳон» АА муҳбири.

Пахта-2005

Юқоричирчиқ: ДАЛАДАГИСИ ХИРМОНДА

Вилоят туманларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги маълумотномага назар ташласангиз йилгим-терим мавсуми якунига яқинлашаётганига қарамай, кунлик суръат пайсимаётгани, аксинча, кейинги кунларда теримга бироз барак кираётганини кўришингиз мумкин.


Бу биринчидан, виллоят пахтазорларида ҳали ҳосил мўлғилдан, йилгим-терим билан боғлиқ ташкилий ишлар оқилона амалга оширилаётганидан, қолаверса, ҳар бир раҳбар мутахассис, оддий пахтакору теримчи виллоятимиз шаъни ва нуфузини ўйлаб, 275000 тонналик пахта хирмони-ни тезроқ бунёд этиш учун астойдил ҳаракат қилаётганидан даролат-дир.

Беистисно барча туманларда кунлик терим аввалги кундагига нисбатан оз бўлсада ўсан. Оққўрғон, Бўка ва Урта-чирчиқ туманларида кечани кунгача йиллик режага нисбатан 90-92 фоиз хом ашё тайёрлашга эришилди. Бекободлик пахтакорлар эса, сафар маррасига жуда яқин турибдилар. Туманда шартнома мажбурияти 40630 тонна бўлса 18 октябрь ҳолатига 39984 тонна пахта тайёрланди. Бу йиллик режанинг 98,41 фоизига тенгдир. Кунига бир фоздан ошириб хом ашё топширилаётганлиги ҳисобга олинса, бекободликларнинг шартнома мажбуриятини бажаришлари нақд бўлиб қолди, деб бемалол айтиш мумкин.

Бугунги кунга келиб,

давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш контрактация шартномасини муваффақиятли адо этган туманлар учтага етди. Юқоричирчиқ тумани пахтакорлари ҳам Чиноз ва Куйичирчиқ туманларидан сўнг шартнома мажбуриятини эрта муддатларда ортиги билан бажардилар. Кечани кунгача туманда 16350 тонна ўрнига 16462 тонна хом ашё тайёрланди, режа 100,69 фоиз қилиб бажарилди. 6290 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан қарийб 26,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Юқоричирчиқлик пахтакорлар қўлга киритган бундай ютуқнинг ўзига яраша омиллари бор, албатта. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Бозорқўжа Эшоннинг таъкидлашига кўра, бу йилги мавсумда пахтакорларни бутун ўза парвариши давомида керакли воситалар билан таъминлашда узилишлар бўлмади. Ширкат ва фермер хўжалиқлари ўғит, ёнгил, кимёвий дори ва бошқа зарур воситаларни вақтида ҳамда керагича олиб турди. Бу эса, ёз бўйи ўза



парваришини айна экин талаб қилган пайтда оби-тобида олиб бориш учун қўлай имкониятлар яратди. Натихада деярли барча майдонларда ҳар қачонгидан ҳам мўл ва эртки астойдил иштиришга эришилди. Муваффақиятнинг яна бир омили шу бўлдики, йилгим-терим

мавсуми арафаси ва бутун терим давомидаги барча ташкилий ишлар оқилона уюштирилди. Биринчи галда хўжалик аъзолари ҳамда уюшмаган маҳаллий аҳолини теримга сафарбар этиш учун барча зарур чоралар кўрилди. Терим қатнашчиларига қўлай шарт-шароитлар яра-

тиб берилди. Энг муҳими уларни моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳамма хўжалиқларда иккинчи теримда бир килограмм пахтага 50 сўмдан ҳақ тўланди. Айниқса, қўл терими иштирокчиларига ҳар кунги терилган пахтага шу куннинг ўзида нақд пул бериб боришнинг терим суръатини янада қулайтириб юборди. Натихада кунга камида 13 минг маҳаллий аҳоли теримда фаол иштирок этди. Бу эса виллоят бўйича энг яхши кўрсаткичлардан биридир.

Туман пахтакорлари уйган хирмонга беистисно барча ширкат ва фермер хўжалиқлари муносиб улш қўшди. Айниқса, тумандаги энг йирик «Гулистон» ширкат хўжалигининг салмоқли ҳиссасини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Хўжалиқда хозирги кунгача 3045 тонна хом ашё тайёрланиб, режа 120 фоиз адо этилди. Ҳосилдорлик 33 центнердан ошди. Шартнома режасини туманда иккинчи бўлиб бажарган «Дўстлик», шунингдек «Йил ота» ва «Ўзбекистон» ширкат хўжалиқлари ҳам қабул пунктларига

1700-1500 тоннадан сифатли хом ашё топширдилар.

Айниқса, тумандаги фермер хўжалиқлари эришган натижа салмоқли бўлди. Туманнинг умумий хирмонига уюлган жами пахтанинг 8500 тоннаси ёки 52 фоизини фермерлар етиштириб бердилар. «Туркистон» ҳамда Аҳмад Ясавий номли ширкат хўжалиқлари ўрнида ташкил этилган янги фермер хўжалиқлари юқори натижаларга эришди Чунончи, шартнома мажбуриятларини 110-125 фоиз қилиб бажарган «Абдуғози», «Абдурахмонов», «Вазир-Чиннибек» каби фермер хўжалиқлари биринчи теримнинг ўзида гектаридан 25-26 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди.

Туман хўжалиқларида пахта йилгим-терими давом эттирилмоқда. Ҳамон кунига йиллик режанинг 1,50 фоизидан ошириб хом ашё тайёрланмоқда.

**Абдусаммад
ЙЎЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.**

СУРАТДА: тумандаги «Гулистон» ширкат хўжалиги теримчиси Нилуфар Азимбоева.

**ДАВРОН АҲМАД
ОЛГАН СУРАТЛАР.**

21 октябрь – Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган кун

АЗИЗ ВА МУКАРРАМ

Мана, ўн олти йилдирки, Ўзбекистонда давлат тили – ўз она тилимиз амал қила бошлади. Кўп йиллар мобайнида вужудга келган аралаш-қуралаш сўзлашиш мароми шу йиллар мобайнида ўзгариб, ўзбек тили жамиятнинг барча аъзолари томонидан тўла эътироф этилди, давлат идораларида расмий тил сифатида амал қила бошлади.

Ҳаётда асосли ижтимоий-сиёсий уйғониш бошланган кезларда ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун қизғин ҳаракат авж олди. Ҳали собиқ Иттифок ўз ҳукмини тўла ўтказиб турган кезлар эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон жамоатчилиги давлат тили мақоми учун савий-ҳаракатларни кучайтирди. Кўпчилик бўлиб қонун лойиҳаси тайёрланди, у кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтди. Ҳатто мураккаб 1989 йили республика Олий Кенгаши узоқ йиллар мобайнида илк мартаба «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқди ва қабул қилди. Унинг қабул қилиниши мамлакатимиз маънавий-маданий ҳаётида, ижтимоий-сиёсий муносабатларда янги даврни бошлаб берди.

Ўтган ўн олти йил мобайнида давлат тили мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари то-

монидан ўрганилди. Уни мукамал эгаллаб олиш, сўзлашув, иш юритиш ва бошқа муомала соҳаларида қўлланиш қўламини тобора кенгайтириб бормоқда. Ўзбек тили кенг истеъмолга кириб бораётти. Ҳозирги пайтда ноширлик, радио, телевидение ва матбуотда унинг амал қилиши чинакам давлат тили даражасига кўтарилди. Ўзбек тилида дарслиқлар, қўлланмалар чоп этиш ниҳоятда кенгайди.

Тил ҳар бир миллат учун ўзликни намоён этиш воситаси ҳисобланади. Бугун мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида ўтаётган тил байрамларида бу, айниқса, яққол намоён бўлаётти. «Ассалом» сўзи Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакиллари учун тушунарли ва азиз бўлиб қолди. Эндиликда давлат тили ҳар бир фуқаронинг ороу ифодасини, талаб ва хоҳишини ифодаловчи қудратли тилга айлиниб бораётти.

ДАВЛАТ ТИЛИ ВА ДАРСЛИКЛАР

Республика Таълим марказида «Давлат тили ҳақида»ги қонун ва мактаб дарслиқлари мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига ўн олти йил. «Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини ҳозирги тили тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишига ўн икки йил тўлди. Ўтган давр мобайнида ўзбек тили таълими методикасини такомиллаштириш, дарслик ва қўлланмалар мазмунини янгилаш борасида талай ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Умумтаълим мактабларининг 5-11-синфлари учун «Она тили», таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2-11-синфлари учун «Ўзбек тили» дарслиқлари қайта ишланиб, нашр этилди.

Анжуманда қайд этилганидек, янги давр дарслиқлари бугунги давр талаби асосида ҳамда Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмунига мувофиқ тарзда яратилгани эътиборга лойиқ. Айни пайтда янги дарслиқларнинг содда ва илҳам бўлиши, ўқувчининг

қизиқишларини тўла қондира олишига катта эътибор қаратилди. Янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари ҳамда такомиллаштирилган ўқув дастури асосида яратилган «Она тили» ва «Ўзбек тили» дарслиқларида ўрганишига таъсия этилган материаллар ҳамда ўзбек тили грамматикасининг бўлимларига доир мавзуларда ўқувчининг ёши, руҳий-жисмоний хусусиятлари каби омиллари инобатга олинган. Шу билан бирга матнларни танлашда миллий, маданий, маърифий ва умуминсоний қадриятларга, машқлар, савол ва топшириқлар ёрдамида ўқувчилар маънавий-тин шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Янги давр мазкур дарслиқларнинг яна бир жиҳати – уларнинг ҳажми таълим стандартларида қаратилган мейёрлар асосида эканлигида ҳамдир.

Ў.А.

ТОКИОДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ НАМОЙИШИ

Мамлакатимизнинг Япониядаги элчихонасида «Андижон Фожиси» ҳужжатли фильмининг намоийши бўлиб ўтди. Унда Япония ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари, олим ва тадқиқотчилар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Айни кунларда Тошкентда Андижондаги террорчилик ҳаракатларини амалга оширганликда айбланётган шахслар устидан бораятган суд жараёни очиклик ва ошқоралик тамойилларига асосланган ҳолда ўтаётгани учрашуда алоҳида таъкидланди. Очик суд жараёнида эликка ақин хорижлик журналист ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган йигирмадан зиёд дипломатия ваколатхонаси ва

халқаро ташкилотлар вакилларининг иштирок этаётгани бунинг ёрқин далилидир. Террорчиларнинг ўзлари томонидан суратга олинган мудҳиш тасвирлар, ҳуруж иштирокчиларининг кўрсатмалари, танкили хорижий мутахассислар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган «Андижон фожиси» фильми йилгиланларни бефарқ қолдирмади.

«Жаҳон» АА.

Муносабат

«МЕНИНГ ЎҒЛИМ КЕРАК ҲАЁТГА...»

Дунёда ҳеч бир иш жавобсиз қолмайди. Халқимиз қалбига чуқур жароҳатлаган Андижон фожисининг асосий сабабчилари кундан-кунга ойдинлашиб, қилмишларига пушаймон бўлмоқда. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий судида давом этаётган жиноятчиларни судлаш, ҳақиқатини қарор топтириш жараёни бутун жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида.

Гувоҳлар, жабрланувчиларнинг сўзларини тинглаб туриб, тинчилигимизни кўроллаётган хасадгўйлар, хиёнатчиларга нисбатан нафратимиз ошди.

Менинг ҳам тўрт фарзандим, ўғилларим бор. Уларнинг камолини, бахтини кўришни истайман. Не-не ороу умидларим бор. Бемаъни уруш, хунрезликлар оқибатида улар

дан айрилиб қолишни истайман. Тўғри, бунинг учун ўзимиз ҳам фарзандларимизнинг ҳар бир босган қаданидан хабардор бўлишимиз, турли ёт фикрли унсурларнинг таъсиридан асрашимиз керак.

Телевизор орқали дунё воқеаларини кузатар эканман, ўтаётган ҳар бир осиёишта кунимга шукр қиламан. Ахир,

шундоқ тинч ҳаётнинг қадрига етиш ўрнига ҳавойи хаёлларга берилиб, «олдинга ташланган суяк» учун ўз қавминга хиёнат қилиш, қондошларнинг умрига зомин бўлиш мўмин-муслимонга муносиб ишми?

Дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган табиий офатлар, зилзилаю тўфонлар, сув тошқини, ёнгилар оқибатида қанча-қанча одамлар ҳонумонидан айрилиб, азоб чекмоқда. Террорчиларнинг шайқатсизлиги эса чегара билмайди. Шундай экан, жаннатмақон, ош-Ўзбекистонимиздаги тинч-тотув ҳаётнинг қадрига етайлик, уни ёт

қўзлардан, ёвуз ниятли қишлоқлардан, турли гийбат-игволардан эҳтиёт қилайлик дейман. Халқимизга «ёрдам» бериш боҳонасида, Ватанимиз сарҳадларига танда қўётган, ботинида фақат ўз манфаатини кўзлаб, ўзгалар олдида ўзини эҳтимматли, қудратли қилиб кўрсатишга интилаётган чет эллик қорчалонларнинг ҳийлаю найранглари ўз вақтида фож бўлиб қолганлиги ҳам бизларга катта сабоқ. Аччиқ ҳақиқатни тан олиш эса ҳар кимнинг виждоний ишидир.

**Тоҳир БАРАТОВ,
Куйичирчиқ тумани.**

ВИЛОЯТ ВҲАЁТИ

СОВРИНДОР ТАҚДИРЛАНДИ

Вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти қасаба уюшмаларига қарашли ихтисослашган болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари спорт мактабидида 18 ёшли боксчи Азамат Қўлжоновни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ангрэн Давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетининг 1-босқичида таҳсил олаётган боксчи Покистонда ўтказилган йиллар

лигида бронза медал соҳиби бўлди. Мактаб маъмурияти тантанали маросимда ўшлар терма жамоасининг аъзоси Азаматга чарм қўлоқ ҳада этди. **Хурида НАЗАРОВА.**

«ТЎРҒАЙ» ПЕКИНДА ОЛҚИШ ОЛДИ

Хитой халқ республикаси пойтахти Пекин шаҳрида Халқаро маданий туризм фестивали бўлиб ўтди. Унга Оққўрғон тумани маданият ва спорт бўлимининг «Тўрғай» фольклор этнографик дастаси ҳам таклиф этилди.

«Тўрғай» дастаси фестивал кунлари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди, — дейди жамоа бадний раҳбари Алишер Қурбанов, — Чунки, миллий кийимларимиз, мусиқа, рақс ва қўшиқларимиз бошқа мамлакатлардан борган санъаткорлар ва фестивал иштирокчиларини ҳам қизиқтириб қолди. **Дарҳақиқат, Пекин ва**

Чинжоу шаҳарларида ўтказилган концертларда виллоятимиз санъаткорлари катта муваффақият қозониб, тингловчи ва мухлисларнинг олқишларига сазовор бўлишди. Хитой марказий телевидениеси, шунингдек, Пекин телеканалларида «Тўрғай» дастасининг чиқишлари бир неча бор намоийиш этилди. **Шавкат ҚУЛИБОЕВ.**

ҲАМ СИФАТЛИ, ҲАМ АРЗОН

Пскент тумани марказида тадбиркор Иброҳим Абдурахмонов шахсий маблағи ҳисобига озик-овқат ва хўжалик моллари билан савдо қилувчи дўкнорлар мажмуини қуриб, ишга туширди.

Ҳамма қулайликларга эга бўлган савдо растасидаги барча маҳсулотлар сифатлилиги ҳамда арзонлиги билан харидорларга манзур бўлаётти. **Собиржон ИНОМОВ.**

ҲОМИЙЛАР ЁРДАМИ

Бўстонлиқ туманидаги 125-маҳсус мактаб ўқувчиларининг маийши турмуш шароити мунтазам яхшиланиб бормоқда. Кенг ва ёруғ ошқона, ётоқхоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланди. Шу кунларда ҳаммом-қир ювчи мажмуаси қуриб битказилаётти. Ҳомийлар — Навоий кон-

ЯНА БИР ҚЎШМА КОРХОНА

Қибрай туманидаги Тузел қишлоғида 70 ишчи ўрнига мулжалланган «Элсун-санаят» қўшма корхонаси иш бошлади.

Корхона қисқа вақтда замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Тошкент тўқимачилик комбинатидан келтирилган матоларга жаҳон андозалари асосида гул босиш йўлга қўйилди. Бу корхона

ВИЛОЯТ ВҲАЁТИ

КОРХОНА

нинг харидорғир моллари ички ва ташқи бозорга мулжалланган бўлиб, экспорт ҳажмининг ошишига муҳим омил бўла олади. **Шоюсуф МИРЮСУФЗОДА.**

металлургия комбинатининг «Горняк» пансионати бинокорлари янги ишлоотда сўнгги пардозлаш ишларини бажаришда. **Юсуф ЖУМАЕВ.**

Бекобод шаҳрида амалга оширилган бунёдкорлик ишларида «Лочин» масъулияти чекланган жамиятининг ҳам ўзи бор. Жамиятнинг шахардаги ўрта умумтаълим мактабларини ва касб-хунар коллежларини қайта қуриш ва мукамал таъмирлаш борасидаги ишлари диққатга сазовор.

«ЛОЧИН»НИНГ ПАРВОЗИ

Айни кунларда жамоа қурилиш-коммунал коллежи ўқув биносини фойдаланишга топшириш арасида турипти. 7-мактабда эса мукамал таъмирлаш ишлари жадал олиб бориляпти. Сал олдинроқ 13-мактаб спорт зали фойдаланишга топширилган эди. Бир вақтнинг ўзида 16-мактабда ҳам қайта қуриш ишлари давом эттирилмоқда. Айни дамда «Ўзметкомбинат» бирлашмаси темир йўл цехида таъмирлаш ишлари бормоқда.

«Лочин», «Элнур» ва «Сантехурилишгазминот» корхоналарининг ягона уюшмага биришиб, амалга ошираётган ишлари яхши самара берапти. Улар бинолар пойдеворидан тортиб, то фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган жараённинг бажаришмоқда.

Ашурали БОЙМУРДОВ.

ДУМАЛОҚДА КОЛЛЕЖ

Бўстонлик туманидаги коллежлар сони яқинда яна биттага кўпаяди. Ҳазалекнинг аҳоли зич яшайдиган Думалоқ маҳалласидаги кўп қаватли ва ҳашаматли коллеж биносини барпо этишга ҳаммаси бўлиб 1 миллиард 400 миллион сўм маблағ ажратилган.

Ҳозиргача бу сармоянинг тўртдан уч қисмидан кўпроги ўзлаштирилди. Коллежнинг асосий бинолари битиб, пардозлаш ишлари олиб бориляпти. Умумий сатҳи 540 квадрат метрли ёпиқ спорт зали ҳам қўлдан чиқарилди. Бу ерда спортнинг кураш, баскетбол, волейбол, стол теннис ва қатор бошқа турлари билан шуғулланиш учун барча шароитлар мавжуд. Айни вақтда очик спорт майдони ҳам яратилган. Унда футбол, баскетбол, волейбол майдончалари, югуриш йўлаклари бўлади.

Публицистика

ЙЎЛ БЕРИНГ, ЎЗБЕК КЕЛАЯПТИ!

Ҳар тонг минг бир орзу умидлар, кўнгилларимиз тубларидан ўрин олган эзгу ниятлар билан остоналаримизни ҳатлаб ўтиб, ўзимизни тўлқинли ҳаёт кўйида кўрамиз, шу ёруғ дунёнинг, мана шу азиз маконинг зарралари — фарзандлари деб ҳис қиламиз. Бу дунёда ҳаммамизнинг ўз ўрнимиз, бу ҳаётда ўз йўлимиз бор.

Бу ҳаёт йўллари, бу зарралар, бу фарзандлар мана шу муқаддас макон — она-юрт, Ватан ўз бағрида эр-калаб, сүйиб, камолга етказиб, бирлаштириб, қудратли, ҳароратли, ҳиссиётли, бунёдкор ва ижодкор тўлқинга айлантиради. Сиз билан биз учун Ўзбекистондан бошқа мўтабар ва муқаррам, суюкли ва азиз макон йўқ. Дунёнинг қайси бир чеккасида — инсон тафаккури ва меҳнати жаннатимисол жойларга айланган маканларда бўлмайди, ҳақиқатан ҳам Ўзбекистонимизнинг тоғу тошлари, қиру қўллари, водий ва воҳалари кўз ўнгимизда туради, уни энтикиб эслайверамиз, унга қайтишга ошқавераримиз.

Албатта, ҳар ернинг ўз гузаллиги, жозибаси, таровати бор. Инсон болалари учун яққо ягона бу заманининг ҳар қарчи қўли, ўзига хос гўзал. Лекин биз учун Ўзбекистон — ягона. Унинг тоғу тошлари, қўли саҳролари, ғазали ва баракли боғлари, кенг-кен унумдор далаларига кўз ил-



СУРАТДА: бош пудратчи — «Чорвоқ»ЭСқурилиш» бошқармаси бошлигининг ўринбосари Соттибой Рижимов ва иш юритувчи Соҳиб Ўринбоевлар коллеж қурилишининг бориши ҳақида суҳбатлашмоқдалар. Даврон АҲМАД олган сурат.

қурилиш бошқармалари жамоалари ёрдам бераёпти. Улар бу янги билим ўчоғини тезроқ фойдаланишга топшириш учун ишни жадаллаштиришяпти.

мехнаткаш халқни қўлу қўриларга айлантирган истилорлар, боқинчиларга қарши қўлга қилин олган жасоратли қаҳромонлар, яна маърифат ва маънавият чирогини баланд кўтариб, илмга, меҳнатга, яратиб ва яшатишга даъват этган фозил инсонлар ҳақида ҳикоя қилади. Ҳар бир янги авлод бу саҳифалар дурдоналарини саралаб, улардан ақл-идрок, қандай яшашни ўрганади, қора ниятларга қарши кураш сабоғини олади. Илло бу кўнчаларисиз ҳеч бир инсон ўз юртининг ирсади ва собит фарзанди бўлиб етиша олмайд.

Аммо, ўтган йиллар шунга ҳам қўрсатдики, бу қурраи замин ёвузлик

ва боқинчилиқни касбга айланган қора қўллардан ҳам ҳоли эмас. Фақат уларнинг ниқоби ўзгарган. Гаплари билан хатти-ҳаракатлари қовушмайди. Кураш усуллари олчолқларга хос. Мақсадлари — зулм ва зулмат. Кирдикорларини ҳаммиса ҳам дарҳол илғай олмаимиз. Шу боис мустакил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга интилаётган ҳозирги пайтда аждодларимизга хос донишмандлик ва жасоратга эҳтиёж кучайиб борапти. Бу эҳтиёж халқимизнинг азалий қадриятларига ва умуминсоний ориятларга таяниб янгиланаётган Ўзбекистон жамиятида барқарорликни, ўзимиздан озод ва обод мамлакат қолдириш орузи эл-улус қалбида муштарак бўлишнинг, синовили қиларда ёшу кексанинг ақиллигини тараққо қилади. Афсуски, бу фазилатлар ўз-ўзидан инсон қалбиде жойлашиб, унинг учун муқаддас эътиқодга айланмабди. Жамиятдаги ёруғлик, рўшнолик, давлатнинг ўз қонунлари ҳамма учун бирдек амал қилиши учун курашга орқали адолатни қарор топтиришга ёғлан ирсади. Катта-кичик амалдорлар ва сардорларнинг эл-улус, давлат хизматидаги очикқўнғиллилик-гигина Ватанини улғулайди, унга ҳар биримизнинг меҳримизни қўяётганда, уни асраш, ардоқлашга бўлган интилиши диллимизга муҳрлайди — Ватан ва жисму жонимиз яхлит, бир бутун тушунчага айланишига асос бўлади. Йўл беринг, жаҳон ичра тенглар тенги — Ўзбек келаяпти!

Ю. ЖУМАНИЕВОВ.

Янги китоблар

ОММАБОП РИСОЛА

Миллий истиқлол мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини кенг қўлоч ёйдирди. Товарлар, айниқса, халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчилар сафи кенгайиб, ички бозорда маҳсулот турлари кун сайин кўпаймоқда.

Табиики, бундай шароитда инсон саломатлигини ҳимоялаш, уни сифатсиз, гоҳида мукамал ўрганилмаган маҳсулотлардан ҳимоялаш катта аҳамиятга эга. Тадбиркорлик ҳаракати билан басма-бас истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси долзарб тус касб этмоқда. Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган жамиятлар шаклланиб, улар эндиликда таъсирчан кучга айланди. Бу жамиятлар турли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда.

Лекин истеъмолчи ким? Ишлаб чиқарувчилар деб қимларни атаймиз? Болаларга мўлжалланган озиқ-овқат маъмулотларига қандай талаблар қўйилади? Ҳамма истеъмолчилар ҳам шу сингари саволларга ҳамиша ўринли жавоб топа олмайд. Ҳатто, истеъмолчиларнинг аксарияти ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳам тўлиқ билмайди. Шу боис Камолжон Шодиметовнинг «Товар ёриқлари ва штрихли кодлаш» китоби ниҳоятда қимматли. Унинг саҳифаларидан истеъмолчиларни қизиқтирувчи юз саволга аниқ-пухта жавоблар ўрин олган. Китоб «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан «АЛБИТ» босмасидада чоп этилган. У фуқароларнинг кенг қатламини товар этикеткаси, ёриқ, суқма-варақа ва штрихли кодларни товар маҳсулотларида қўллаш асослари билан таништиради. Масалалар савол-жавоб тарикасида баён этилганлиги рисолинг сода ва тушунарли бўлишини таъминлаган.

УЛАР КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Вилоят ногиронлар жамиятининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Унда жамиятнинг ҳисоботи тинланди.

Шунингдек, жамиятнинг янги расисини ва республика ногиронлар жамиятининг навбатдан ташқари қуролтоғига вакиллар сайлаш ҳамда республика ногиронлар жамияти марказий бошқаруви аъзолигига номзодларни тавсия этиш масалалари кўриб чиқилди. Конференцияда Баҳром Ҳолдоров бир овоздан раисликка сайланди. Катнашчилар жамият тараққиётида ўз ўринларига эга бўлиши истидаидан ҳар бир ногирон эътибордан четда қолмаслиги, улар учун янги иш ўринлари очиб, ногиронларни қўллаб-қувватлаш масалаларига эътиборни қаратишди.

Саида ЭШМАТОВА.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Мамлакатимизда ёшларни ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув мавсуми давом этмоқда. Яқинда вилоят мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув йиғини пунктида пойтахт ва Тошкент вилоятидан келган ёшларни Қуролли Кучлар сафига тантанали кузатув маросими бўлиб ўтди.

Ҳарбий хизмат мuddатини ўташ ҳар бир йигит учун муқаддас бурчдир. Бу давр ёшларимизни жисмонан чиниктириб, мустакил ҳаётга қадам қўйиш олдида чинакам сино мақтаби бўлади. Вилоятимизда ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув кўтаринки руҳда ўтиши учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни амалга оширдик, — дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳиджон Аҳмадхўжав. — Ҳарбий комиссия синоларидан муваффақиятли ўтган йигитларимизни бугун муқаддас бурчларини ўташ учун Қуролли Кучлар қисмларига кузатмоқдамиз. Тантанали кузатув маросимиде ота-оналар уларга тўла ишонч билдирдилар. Малакали офицерлардан мард ҳамда жасурлик, Ватанга садоқатлик сабоғини олиб, юртининг чинакам сунъичи бўлажакларини таъкидладилар. — Углим Жамолдиннинг ҳарбий хизматга кузатмоқдамиз, — дейди Қўрай тумани Ҳўжақўрғон қишлоғидан келган Муҳиддин Рўзиев. — Оилада тўрт қиз ва шу ўғлим бор. Шўкр, эрка ва танти бўлиб ўсмади. Ёлғиз ўғиллигига қарамай, ёшликдаги орзусига эришди. Бундан, албатта, хурсандим.

— Окқўрғон туманининг «Окқўрғон» ширкат ҳўжалигидан ўғлимиз Жавлонни хизматга кузатгани келдики, — дейди Карима Эрзаарова. — Фарзандларимнинг биринчиси. Бу йил Тошкент автомобиль йўллари институтини муваффақиятли тамомлади. Кузатув маросимиде сўзлаган ҳарбий раҳбарларнинг тилаклари катта далда бўлди. Уларга яратилаётган шароитлар, қўлайликлар хусусиде батафсил маълумот бериб, бизни хотиржам эттиди. Фарзандларимиз Ватан олдидаги бурчларини шараф билан ўтаб, ҳарбий илмларни мукамал эгаллашлари лозим. Ҳа, йигитларимиз кўйган қадам ниҳоятда масъулиятли, шу билан бирга шарафли йўлдир. Чегарачи бўлиш ана шу хизмат турларидандир. Улар Ватанимиз остонасида собит турувчи, давлатимизнинг ишончли ҳимоячиси ҳисобланадилар. — Энг муҳими, чегара қўшинлари қисмига хизматга бораётганлигим мени қувонтирди, — дейди ангреник Зафар Сайидназаров. — Бунга ёшлиқдан жисмонан чиникиб, пухта тайёрланганлигим асосқиде. Тест ва суҳбат жараёнида яхши ўтдим. Албатта, ота-оналаримиз берган ўғитга амал қилиб, уларнинг юзларини ерга қаратмаймиз. Шу кун тантанали кузатув маросимиде Тошкент шаҳар ва вилоят ҳўкимликлари ходимлари, дахилдор ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, жамоатчилик вакиллари иштирок этиб, мустакил юрт ҳимоячиларига мустаҳкам соғлиқ, Ватан олдидаги бурчларини адо этишда муваффақият тилашди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ. «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТДА: Лилия Симонян аскарлар даврасида

«Ўзбекистонга келганимде етти ёшли қизча эдим», — деб эслади янгийўллик Лилия Симонян. — Ўзбек халқининг бағрикенглиги, инсонпарварлиги туфайли мана, элик йилдан буюн шу юрт, шу элнинг иссиқ бағрида умргузаронлик қилиб келаялман...

Тошкент вилояти аскар оналари кўмитаси раиси, Янгийўл шаҳридаги Фарҳод маҳалласининг диний-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси Лилия Ахтемовна ҳақида ҳикоя қилиш ниятимиз борлигини айтганимизда, у киши: «Менинг фаолиятимни эмас, кўпроқ мен учратган ҳақиқий инсонлар ҳақида ёзишларини илтимос қилган бўлардим, — деди камтарлик билан. — Мен эса нимаики хайрли иш қилган бўлсам, ўзим учун, ўз виждоним хотиржамлиғи учун қиламан».

Асли касби ўқитувчи бўлган Лилия опанинг болалик хотираларини тинглаб туриб, ҳеч бир мезонга тўғри келмайдиган ҳаёт ҳақиқатлари олдида лол қолади, киши. Уша узок урушдан кейинги қийинчилик йилларида бола-лар ўйларидеги мурғакчина қалб эгаларининг илк касами аввало тирик қолиш, нонга тўйиш ва доимо муҳтожларга ёрдам беришдан иборат бўлган. «Ўзбекистонга келиб мана шу орзуларим амалга ошди, шунга шўкр қиламан», — дейди у. — Лилия опа, сир бўлмасин, Ўзбекистон билан танишувининг тарихини айтиб берсангиз. — Уруш йиллари Қримдан қўчиларини оилада турганганим, Москвада, болалар уйда катта бўлганман. Симонян менга бола-лар уйда берилган фамилия

қилиб, «Аскар оналари» кўмитаси тузилди. Оллоҳга шўкр, у кунлар ортда қолди. Ҳозирги аскар оналари фарзандларини ҳарбий хизматга ишонч, шод-хуррамлик билан кузатишяпти. Бу ҳам бўлса мустакиллигимиз шарофатидан. Лекин аскар оналари кўмитаси ҳали ҳам ҳаракатда. Энди улар мамлакатимиз ҳудудиде хизмат қилаётган аскар йигитлар хузурига тез-тез бориб, улар билан маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик мавзуларида суҳбатлар уюштиришмоқда. Ўғлонларимизнинг кўтаринки қайфиятидан мамнун бўлиб, ўз Ватани учун хизмат қилиш, халқ тинчилиги, осуда ҳаётини таъминлаш шарафли иш эканлиги ҳақида сўзлашади. Қисқаси, аскар оналари ҳаракатининг ҳозирги кундаги вазифи ҳарбий хизматни ўтаётган ўғлонларимизнинг маънавий қўиғисини шакллантиришда муносиб ҳисса қўиши, Ватанин севиш, ардоқлашга уларни даъват этишдан иборатдир. — Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги Президент Фармони ижроси бўйича

миз: Инсон кўнгли нозик бўлади, баъзан, қийинчиликлардан мўртлашиб қолади. Шундай пайтларда донолик, самимият билан муомала қилиш лозим бўлади. Шунда уларда одамларга нисбатан ишонч пайдо бўлади, юрт меҳри кучаяди. — Воёга етмаганлар билан ишлашинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор. Сизларда... — Фарҳод маҳалласиде воёга етмаган 1129 бола яшайди. Тўғри, уларнинг тарбияси осон эмас. Лекин, халқда нима эксанг, шунга ўрасан, деган нақл беҳиз айтилмаган. Боланинг қалбига яхшилик, эзгулик уруғини экиб, уни ундириш учун одам фидойи бўлиши, кўпинча хузур-халоватдан воз кечиши керак бўлади. Менинг иш услубим оддий. Болаларни севаман. Иложи борича уларни бoш қолдир-масликка ҳаракат қиламан. Маҳалла болалари мен ишлайдиган 2-маданият уйиде очилган бичиш-тиқиш, уй

дан воз кечганлар ҳам бўлади. — «Кичкинтой» меҳрибонлик уйининг очилишида ҳам бош-қош бўлган экансиз. — Ҳа, етилларни кўрсам, эзилман. Кўзи очилганга гўдакларнинг қаровисиз қолганини кўрсам, уларни ташлаб кетганлардан нафратланаман. Ахир, боланинг воулидан қўрқшмайдики?! Ҳақиқатан ҳам меҳрибонлик уйининг очилиши сўраб кўп жойларга муурожаат этдим. Яхши одамлар кўп. Мана, ҳозир «Кичкинтой»да парвартириб қилинаётган гўдаклар, болажонлар учун оила, она меҳридан бошқа ҳамма нарса бор. У ерга ҳам тез-тез бориб тураман. — Лилия Ахтемовна, баъзан эл-юрт хизматидаги одамлар шохсий ҳаётда нимадидир бой бериб қўйганлигини айтиб беришмоқда. — Тўғри, севаган ишинг, машғулотинг учун ўзлтигиндан кечиш, туллари тонгларга улаб меҳнат қилишга тўри келади. Мен ҳаётимдан нолимаиман. Ўғлим Айдер, қизим Анжелка, невараларим Саша, Альбиналар дадаларидан сўнг менинг ҳаётдаги овуноқларим. Шунингдек, меҳр сути бериб катта қилган ўғилларим Дилавер, Аусханлар ва яна менинг хонадонимда яшаб, бу катта ҳаётда ўз йўллари тилиб кетган қўпгина ўғил-қизларимнинг меҳри менга қучкуват бағишлайди. Мана шу уч хонали уйимда қанча-қанча одамлар яшаб, ҳаётга учирма бўлишмаган дейсиз. 97 ёшларда ҳаётдан кетган қайнонам сўнги йилларда тўшақка михланиб қолган эдилар. У кишининг дуолари ижобат бўлсин дейман. — Лилия, қизим, сен менде ўз фарзандимдек муносабатда бўлдинг, ўғлимдан сўнг йигирма йил бирга яшадик. Илоҳим, менга кўрсатган меҳр-оқибатинг, яхшиликларинг ўғил-қизингдан қайтсин», дердилар. Қолаверса, катта қизим ўн олти ёшида оғир хасталик туфайли ўлим билан олишиб ётар экан, шундай сўзларни ёзиб қолдирди: «Одамлар, бир-бирингизни севиб, бир-бирингизга фақат яхшилик қилиб». Ахир, ҳаёт жуда қисқа. Шундай экан, дунёда фақат яхшилик истаб, ўзгаларга эзгулик бағишлаб яшаганга не етсин!

Лилия Симонян умрини ўзгаларга меҳр-шафқат қўрсатишга бағишлаган мана шундай беқиёс бир инсон. Ҳаётимиз шулар билан мунавар. Орамизда шундай сидқидил, оқибатли одамлар кўпаяверсин! Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Мардлар қўриқлайди, Ватани!

Лилия Симонян: «Сизларни севаман, одамлар!»

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Қон – инсон ҳаётининг муҳим омили. Бирор бахтсиз ҳодиса ёки хасталик оқибатида кўп қон йўқотган бемор ҳаётини асраб қолишда, шунингдек, кўпгина жарроҳлик амалиётини бажариш ва гематологик хасталикларни даволашда донор қонига эҳтиёж туғилади.

Пойтахтимизда гематология ва қон қуйиш хизматининг долзарб муаммоларига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда сўз юритилди. Тадбир-

да мамлакатимиз гематолог ва трансфузиология билан бирга МДХ давлатларидан келган олимлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола соғлигини ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган улкан эътибор турли касалликларнинг олдини олишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилётган соғ-

лиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури изчилик билан бажарилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда донорлик ва қон қуйиш хизматини жохон андозалари даражасига кўтариш учун барча имкониятлар яратилган. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар мавжуд. «Қон – инсон

хизматида» халқаро хайрия фонди ишлаб турибди.

Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон ҳукумати ва Осиё тараққиёт банки ҳамкорлигида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа ҳам амалга оширилди. Мазкур лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги қон қуйиш станциялари таъмирлаш ва зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, соҳа ходимлари-

нинг малакасини ошириш режалаштирилган.

Анжуманда гематологик ёрдам ва қон қуйиш хизматини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари, камқонлиқни даволашнинг самарали услублари, суяк қўмиги трансплантациясини қўллаш тажрибаси каби мавзуларда маърузалар тинланди. Заъминий тиббий воситалар ва дори-дармонлар кўргазмаси ташкил этилди.

Б.ХИДИРОВА, ЎЗА МУХБИРИ.

Olamdagar? nimagar?

ТОШҚИН ХАВФИ ТУФАЙЛИ

АҚШнинг Массачусетс штати ҳокимияти сув остида қолиш хавфи туғилаётган уйларда истиқомат қилувчи 2 мингдан зиёд аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилишини эълон қилди.

Фавқулодда хизматлар маълумотларига кўра, бир неча кундан бери тинмай ёғаётган ёмғир туфайли, штат жанубидаги Тонтон шаҳри сув омбори бардош беролмай ўпирилиши мумкин.



ҲОЗИРЧА НОМАЪЛУМ

ИРОҚ марказий сайлов комиссияси конституцияси лойиҳаси бўйича ўтказилган референдумдаги овоз бериш натижалари юзасидан текширув ўтказиш ниятида.

Овоз бериш жараёнида кўплаб ҳуқуқбузарликлар бўлганлиги ҳақидаги баёнотлар сабабли ана шундай

қарор қабул қилинди. Референдумнинг дастлабки натижалари қачон эълон қилиниши ҳозирча маълум эмас.

КИМНИНГ ГАПИ ТЎҒРИ?

УКРАИНАнинг собиқ бош прокурори Святослав Пискун сиёсий тазйиққа тобе бўлишни рад этгани учун лавозимидан бўшатилгани эълон қилди.

Хусусан, у собиқ бош вазир Юлия Тимошенко иши бўйича терговни давом эттиришдан бош тортган. Ўз навбатида Украина ички иш-

лар вазири Юрий Луценко Пискун мамлакат президентини шантаж қилишга урингани учун ишдан бўшатилганини маълум қилди.

ПОРТФЕЛЬ ЭГАЛАРИ АНИҚ

GERMANYнинг янги бундесканцлери Ангела Меркель коалиция ҳукуматининг ўнг муҳолифат тавсия этган аъзолари номларини эълон қилди.



Қолган бўш вазирлик ўринларига ХДИдан беш ва ХСИдан икки нафар одам тавсия этилмоқда. Улар орасида иктисодий вазири этиб тайинланувчи ХСИ етакчиси Эдмунд Штойбер ҳам бор. Вольфганг Шойбле эса яна ички ишлар вазирлигини бошқаради.

МУҲОФАЗА ДЕВОРИ

МИСР ҳукумати машҳур Шарм ал Шайх курортдаги рекреация ҳудуди атрофида муҳофаза девори қуришни бошлаш ҳақида кўрсатма берди.

Исроилли Фаластиндан ажратиб турувчи тўсиққа монанд бу девор террорчилар хуржидан қўшимча

ҳимоя воситаси сифатида хизмат қилади. Унинг 20 километрдан зиёд бўлиши назарда тутилган.

СОБИҚ СПИКЕР ҲИБСДА

СИМФЕРОПОЛЬ аэропортида Озарбайжон парламентининг собиқ спикери Расул Гулиев қўлга олинди.

Ватанда ҳукумат уни йирик миқёсда давлат мулкни ўмарганида айбламоқда, дейди Украина ички ишлар вазирлиги матбуот котиби Инна Кисель мазкур

воқеани шарҳларкан. Гулиев Озарбайжондаги муҳолиф партия етакчиси ҳисобланади ва Боку унинг экстрадиция қилинишини талаб қилмоқда.

ВЕРТОЛЁТЛАР КЎМАККА ОШИҚМОҚДА

ПОКИСТОН шимолида ноқулай об-ҳаво туфайли ишчи тўхтаган вертолётлар парвозларини бошлади.

Улар зилзиладан азият чекаётган инсонпарварлик ёрдами юқларини элтиб бермоқда. Ҳукумат мазкур табиий офат туфайли ҳалок бўлганлар сони 53 минг кишидан ортиқ бўлиши мумкинлигини эътироф этмоқда. Ҳозиргача 40 мингдан зиёд



одам нобуд бўлгани аниқ маълум.

ПОЙТАХТ ҚУТҚАРУВЧИЛАРИ — ГОЛИБ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги авария-қутқарув, қидирув-қутқарув хизмати ходимларининг якуний босқич беллашувлари ўтказилди. Унда вазирлик тизимидаги тузилмалар ва худудий-қутқарув хизматларининг 17 жамоаси иштирок этди.

Мусобақада қутқарувчилар жароҳатланган одамни белгиланган вақтда «вайрон бўлган» бино қолдиқлари остидан топиб, олиб чиқиш, сувдан кечиб ўтиб, дарёнинг у соҳилидаги жабранувчиларга биринчи ёрдам курсатиш шартлари бўйича ўзаро баҳс олиб боради.

Беллашувларнинг якуний натижасига кўра Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси жамоаси биринчи ўринга муносиб топилди.

ЎЗА.

ВИЛОЯТ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Вилоят «Иссиқлик манбаи» ишлаб чиқариш бошқармаси аҳолига шуни маълум қиладики, вилоят молия бошқармаси томонидан тасдиқланган 2005 йил 15 октябрдаги ТВ-1-2005/2 реестрига мувофиқ 2005 йил 1 ноябрдан иситиш ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

- улгуржи истеъмолчиларга — 1Гкал учун ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи)сиз 12654 сўм;
- аҳолига:
- марказий истиш — 1 кв.м. яшаш майдони учун бир ойга 203 сўм;
- иссиқ сув таъминоти — 1 одамга бир ойга 1870 сўм.

Агар иссиқ сув ўлчагич ўрнатилган бўлса:

- иссиқ сувдан метёрида фойдаланганлик учун — 1 куб метрга 444 сўм;
- метёридан ортиқча фойдаланганлик учун — 1 куб метрга 505 сўм.

Пахта – 2005

«ЎЗБЕКИСТОН»НИНГ САЛМОҚЛИ ХИРМОНИ

«Ўзбекистон» — Оққўрғон туманидаги энг йирик ва кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Жами экин майдони 1532 гектар. Асосий тармоқлар — пахтачилик ва галлачилик барқарор ривожланган. Чунончи, ҳар йили пахтадан 32-35 центнер, галладан 50 центнердан ошириб ҳосил олинади. Хўжаликнинг иқтисодий салоҳияти ҳам шунга яраша. Пахтанинг ўзидан қоладиган соф фойда 100 миллион сўмдан кам бўлмайди. Шунинг ҳисобидан хўжалик аъзолари учун ҳар йили кўплаб моддий ёрдам кўрсатилади ва имтиёзлар яратилади.

Аммо, бу йил об-ҳаво инжиқлиги хўжалик аъзоларини жиддий синовдан ўтказди. Яъни 839 гектар майдоннинг қариб 600 гектаридидаги гўза ниҳолларини дўл уриб кетди. 180 гектардан кўпроқ майдонда эса гўза деярли чўп бўлиб қолди.

Табиийки, бундай вазиятда аксарият хўжаликлар тақдирга тан бериб, йилни бир амаллаб якунлашга мажбур бўладилар. Бирок, «Ўзбекистон»нинг раҳбару мутахассислари, оддий пудратчи ва механизаторлари мўлжалдаги ҳосил учун охиригача бўшамай, курашишга одатланган. Ана шу кўникма, бу йил, айниқса, иш берди. Парварши ҳар жиҳатдан қулайтирилди ва пировард натижада қўзланган мақсадга эришилди.

— Биз учун энг муҳими — аъзоларимиз тажрибали, изланувчан, интилувчан, унданда муҳимроги эса, ориятли, — дейди бошқарув раиси Эргаш Ниёзов. — Агар бемаврид ёққан дўл панд бермаганда, улар сентябрдаёқ шартномани уддалардилар.



Таъкидлаш жоизки, режани октябрнинг ўрталарида бажариш ҳам қатта муваффақиятдир. «Ўзбекистон»ликлар шартнома мажбуриятида белгиланган 2165 тонна ўрнига 2250 тонна пахта сотиб, режани ортиги билан бажардилар. Гектаридан 26 центнер ўрнига 27 центнердан ҳосил кўтарилди. Холбой Шойқулов, Пардабой Эшматов, Давлат Абдураимов, Соҳиб Хобилов бошчилигидаги оилавий пудратчилар ҳозирнинг ўзидаяқ ҳосилдорлиқни 30-32 центнерга етказдилар. Фотима Ортиқбоева, Баҳри Мамаева,

Шоҳида Абдусаматова, Комила Қорабоева, Манзура Жуманова сингари чевар теримчилар хўжалик хирмониغا 4-5 тоннадан хом ашё териб тўқдилар.

Шартнома мажбурияти адо этилган бўлса-да, терим суръати бўшашгани йўқ. Чунки, далаларда ҳали ҳосил мўл. Қолаверса, вилоят ҳам маррага тобора яқинлашмоқда. «Ўзбекистон»ликларнинг энди-ги мақсадлари вилоятда ҳам контрактация шартномасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ўз муҳбиримиз.

ЎРТАЧИРЧИК: ЯНА ИККИ ХЎЖАЛИК МАРРАДА

Туманда шартнома мажбуриятини бажарган хўжаликлар сафи кун сайин кенгайиб бораёпти. Чунончи, А. Икромов номли ва «Қайтмас» ширкат хўжаликлари жамоалари ҳам давлат эҳтиёжлари учун пахта сотиш юзасидан белгиланган режани муваффақиятли адо этди.

А. Икромов номли хўжаликда 529 гектар майдондан 1400 тоннадан зиёд сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Ана шу ҳосилнинг 80 фоиздан кўпроги юқори наварга қабул қилинди. Лутфила Бозоров, Мухтасар Абдуқаҳорова, Баҳодир Абдиев сингари пудратчилар ҳосилдорлиқни 30 центнердан оширдилар.

«Қайтмас» хўжалигида ҳам 272 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

дастлабки марра эгалланди. Шуниси диққатга сазоворки, хом ашёнинг 90 фоиздан зиёди биринчи навларга сотилгани туфайли хўжалик раҳбарлари салмоқли даромад олишга умид боғламоқдалар.

Ҳар икки хўжаликда йиғим-терим давом этмоқда. Эндиги мақсад далаларни тезроқ ҳосилдан тозаллаб, кўзги шудгорни барвақт бошлаб юборишдир.

Хусанбой АВВАЛОВ.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

Тошкентда интеллектуал мулк ҳуқуқи ва анъанавий билимлар муҳофазасига бағишланган халқаро семинар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, БМТ Университетининг Истикболли тадқиқотлар институти ҳамда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (ЖИМТ) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Хитой, Россия, Португалия ва Марказий Осиё давлатларидан мутахассислар иштирок этмоқда.

Семинарда анъанавий билимларнинг интеллектуал мулк билан ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва маданий аҳамияти, ҳуқуқий асослари ҳамда уни муҳофаза қилиш стратегиялари оид масалалар атрофида муҳокама этилапти. Анжуман очилишида Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директори А.Азимов, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили С.Зотин, Истикболли тадқиқотлар институти мувофиқлаштирувчиси Б.Тобин таъкидлаганидек, бугунги кунда интеллектуал мулк ҳуқуқи ва анъанавий билимлар, шунингдек, биологик ресурслар муҳофазаси дунё миқёсидаги долзарб масалалардан бирига айланган. ЖИМТ ҳамда Истикболли тадқиқотлар институти томонидан мазкур соҳанинг халқаро ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида қатор минтақавий лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Зеро, биологик хавфсизлиқни таъминлаш, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанавий билим ва генетик ресурслардан унумли фойдаланиш, улардан олинган иқтисодий даромаднинг адолатли тақсимланиши ҳар бир мамлакат ва ҳар бир халқнинг миллий манфаати учун ҳизмат қилади.


Марказий Осиё нафақат генетик ресурсларга, балки анъанавий билимларга ҳам бой. Бу ҳудудда яшайдиган халқларнинг қадим урф-одатлари, маданий мероси ва уларнинг жаҳон маданиятида нечоғли муҳим ўрин тутгани ҳақида тўхталишга эҳтиёж йўқ. Оддий маталлардан халқ достонларигача, қуллол ясаган қўздан зардўз тиккан каштагача — барча-барчаси халқ бойлиғидир. Бундан ташқари, минтақамизнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам ранг-баранг. Ўзбекистонда флора ва фаунанинг 27 мингдан ортиқ тури мавжуд. Шу боис айрим нобъ жониворлар ва дориовор ўсимликлар йўқолиб кетмаслиги учун муҳофаза чораларини қулайтириш гоят муҳимдир. Ана шу миллий бойлиқни халқаро интеллектуал мулк ҳуқуқи доирасида муҳофаза этиш долзарб масалага айланиб бораётган.

Ўзбекистон бу жараённинг фаол иштирокчиларидан. Мамлакатимиз ЖИМТ аъзоси сифатида мазкур соҳага доир қатор халқаро конвенцияларни имзолаган. Интеллектуал мулк ва анъанавий билимларнинг муҳофаза этиш борисида юртимизда тегишли қонунлар қабул қилинган.

20 октябрга қадар давом этаётган анжуманда биологик ресурслардан фойдаланиш ва фойданинг тўғри тақсимланишида интеллектуал мулкнинг ўрни, патент ҳуқуқи ва уни амалиётда қўллаш, анъанавий билимлар муҳофазасида халқаро ҳуқуқ ва сибанетинг аҳамияти ҳамда бошқа қатор масалалар юзасидан ҳам мажлислар ўтказилди.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА МУХБИРИ.

Нишондорларимиз



ОРЗУСИ УШАЛГАН МЕТАЛЛУРГ

Олмаликлик аксарият ёшлар шаҳардаги кон-металлургия комбинатида ишлашни орзу қиладилар. Улар мамлакатимиз саноатининг бу йирик ва етакчи корхонасида ишлашни ўзлари учун шараф деб биладилар.

Замонавий техника воситалари билан мукамал жиҳозланган, махсулотлари халқаро бозорда ҳам мустаҳкам ўринга эга бўлган комбинатнинг ёшлари ўз бағрига қорлаши табиий ҳолдир. Шу ният, орзу Сафарали Қўчқоровни ҳам Тошкент техника университети (собиқ политехника институти) талабаси бўлишига, бу даргоҳда рангли металлургия саноатининг сир-асрорларини ўрганишга етаклади. Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, ҳаш-лаш дегунча, студентлик даври тугадики унга рангли металлургия бунинча мутахассис сифатида ўзи орзу қилган Олмалик кон-металлургия комбинатига бориб ишлаш учун йўланма берилди.

Корхонанинг етакчи бўлинимаси ҳисобланувчи мис эритиш заводида муҳандис лавозимига тайинланганлигида фаолиятини оддий ишчиликдан бошламоқчи эканлигини айтиди ва мис электродли цехнинг сувли эритмалар электролиз-чиси бўлиб ишга киришди. У ўзи учун янгилик бўлган бу мураккаб касбини қисқа вақт ичида пухта эгаллади. Орадан кўп ўтмай, тоқар бўлиб ишлаш бошлади. Хар қандай мураккаб деталларнинг ўзининг дастгоҳида маромига етказиб ясайдиган, тез ва соз ишлаши билан ҳаммасо-ларига намуна бўлаётган Сафарали кўпчиликка бош бўла олишини ҳисобга олиб, заводнинг таъмирлаш-механика цехига усталикка кўтаришди, кейин уни раҳбар этиб тайинлашди. Мана, салкам йигирма йилдан бери шу цехнинг раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

Мис эритиш заводи катта қувватли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Биргина мис эритиш печларининг ўзи хайратланарлиқдир. Бу ерда ишлаётган ҳар бир дастгоҳ бахайбатлиги ва айни вақтда «нозиқлиги» билан ажралаиб туради. Уларнинг бир маромда ишлаши кўп жиҳатдан таъмирлаш-механика цехи жамоасига боғлиқ. Чунки, мукамал ва жорий таъмирлаш эҳтиёж қисмларини тайёрлаш шу цех жамоаси зиммасига юклатилган.

Сафарали Қўчқоров ўзи раҳбарлик қилаётган жамоанинг шу хайрли мақсади йўлида аҳил ва иноқ бўлиб, ягона оиладек ишлашига эришмоқда. Зарур бўлса, бошлиқман деб ўтирмайди, ўзи тоқарлик, силлиқловчи, чилангарлик ва цехдаги бошқа барча дастгоҳларни бемалол бошқараверади. Кўл остидагиларга самимий муносабатда ва ғамхўр бўлиши билан катта обрў орттирган Сафарали мис эритиш цехи жамоасининг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонган. Унинг кўп йиллик ва самарали меҳнати муносиб тақдирланди. Республика мустақиллигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ ўртдошларимиз қатори «Шўхрат» медали билан мукофотланди.

Собир ҲАМИДОВ.

СУРАТДА: Сафарали Қўчқоров тоқарлик дастгоҳи ёнида.

Ўйлаб ТОПИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР «ОБЛОЙЧИ»

Уруш авжи қизиган кезлар. Олди қуз. Бог айвон. Сахармардон. Ювилавериб, момиклари униқиб кетган нимчаси тугмаларини қадаб, бошини дуррага билан танғиб, тикмақочдай бўлиб олган чакқонгина Турсуно укаларига нонушта тайёрлаётди. Дадаси, онаси, акаси қачон туриб, пахта теримига жўнашди — билмайди. У аллақачон синглиси Гулсуно билан сигирларни соғиб, Махамашонинг сойига олиб тушиб, арқонлаб келишди. У ёққа кетаётди, ўт қалаб қўйган самовари бақиллаб қайнаб турипти. Энди укалари Адхамжон билан Анваржонни уйғотиб, ювинтириб-ки-йинтириши, нонушта қилдириши керак. Кичиги маъкул, туриб, индамайгина юзини ювади-ю, дастурхон ёнига келиб ўтиради. Адами чатқок, серхараша.

— Ичмайман, емайман, уйкум келаяпти, — Адхамжон яна одатдагидай гингший бошлади.

— Мана, Гулсуно опанг зўр узуму олмаларни келтириб қўйди. Тураюк, укаганим, — Турсуно укасининг бошу елкаларини силаб, аркалайди.

— Йў-ў-қ-қ-қ! — Адхамжон тескари уйғирлиб олди.

— Тур, укажон, дарров нонушта қилиб, бог этагиди ёнқорларнинг тўкилганини териб келмасанг, хали-замон облойчи (ўраб-тутиб олувчи) келиб, олкетби қолади. Биласан-ку, у дангасаларни ёмон кўради.

Адхамжон устидаги кўрпани силтаб тушириб ташлади-да, ўрнидан дик этиб туриб кетди. Ховлига, катта кўча томонга хавотирлиниб қаради. Облойчи жуда кўркинчли. Милтиги ҳам бор. Катта-катта кишиларни Умаралининг тўқазоридан ҳайдаб чиққанини, олдига солиб олиб кетганларини кўп кўрган. Уша амакилар кейин далада кўринмай қолишганини ҳам билади. Аллақайларга, урушга ҳайдаб кетаркан уларни. Болалар ундан кўрқашди, олисда кўриниши билан тумтарайқ қочиб кетишди...

Адхамжон чакқонгина ювиниб келди, укасининг ёнига ўтирди. Турсуно сутли чой қўйиб узатди, ички бурда зогора нонни суриб қўйди. Адхамжон энди нонга кўл узатган эди, айвон ҳўжрасининг орқасида бир нарса

«УКАГИНАМНИ СЕНГА ТОПШИРДИМ, ТУРСУНОЙ!»

Ховли тўла одам. Ҳамма хомуш. Хатто, бир гапириб, ҳамма уни қулдириб юрадиган Рахмат амаки ҳам бир чеккада жим ўтирипти. Ичкарида тараддуд кетаяпти, бугун Тўпқўрғондан икки йигит урушга отланаяпти. Ойнисабуви сурп тўрага майиз, туршак, ёнқок солди, кечқурун ёнган патирларини ҳам оппоқ сурпага алоҳида ўраб, жойлади.

Рихсичол бир чеккада, тахмон томонда буларни кузатиб турибди. Йилғайвериб, кўзлари қизариб кетган. Нега оқ чекмасин, нега йилғамасин. У қанча ўғил кўрди, биронтаси турмади. Унинг оху зори этиб бордим, Яратган мана шунисини қўйиб берди. Қошига қараб, кўзига қараб, топганини озгина тутиб катта қилди. Тўлагани эсли-хушли бўлиб ўсди. Ун бешида, уруш бошланганидан кейин далага чиқиб кетди, ҳисобчи бўлди. Мана, ўн еттига тўлиб-тўлмай, урушга олиб кетишяпти. «Эх, тугайдимки ўзи, бу ялмоғиз уруш!»

Тўлаган энди тўрава озгини боиламоқчи эди, синглиси Турсунони кириб келди. Қўлида икки чакқок оқ канд.

— Шаҳодат бувим бердила...

Ойнисабуви қандни ҳам бир бўлак оқ сурпага ўраб, халтага жойлаб қўйди. Тўлаган тўрава

ОТА ДАРДИ

Ойнисабуви чўчиб уйғонди. Ёнбошига кўз ташлади. Кўрпанинг учи кўтарилган, ўрин бўш. Пахтали нимчани апиқ-тапиқ кийиб, жун рўмолини қўлига олди-ю, ховлига отилди.

Кечқурун ёнган патирларини ҳам оппоқ сурпага алоҳида ўраб, жойлади. Остона хатлаб ўтиши билан қалишлари қорға тўлди, эти бир жужжикиб ўтди. Лекин Ойнисабуви эътибор бермай, кўча эшик томон чоғди. Зулф илиғлик, демак, эшик очилмаган. Авлининг юраги қаттиқ уриб кетди, оғилхонага қараб югурди. Корда сирганиб, йилқиди. Яна туриб чоғди. Борсаки, сигир-бузоқлар тинчгина кавш қайтариб ётибди.

Уй томонга қайтаётган, ховлида, қор устида ётган Рихсичолга кўзи тушди. Эри қўйлақчан, қўчқорларини ёйиб ётарди. Ойнисабуви ёнига чўккалади:

— Бой бўлгур, бу нима қилганингиз?

Рихсичол қор устида орқасига ағдарилди:

— Нима қилай?

Ойнисабуви ўқиб йилғай бошлаган эрини бошидан олди, тургазишга уринди. Шу пайт кичик уйда ухлаб ётган Турсуно уйғониб чиқди. Рихсичол қор устида ётганича ҳамон йилғарди:

— Нима бу?

— Ичинг, бой бўлгур, ичинг. Ўтти чой. Дори бўлади. Акс холда ётиб қоласиз.

Рихсичол пилани қўлига олди, босиб-босиб ичди, бир чойнакни бўшатди. Ойнисабуви ёстиқни тўғрилаб қўйди, Рихсичол сандал ёнига чўзилди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ЯНГИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ

Кейинги пайтларда ўзбек киносида фильмлар ишлаш сони бир мунча кўпайганлигини кузатиш мумкин. Кино ижодкорларининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари тўғрисида яратилган фильмларнинг мавзуси ҳам бир-бирдан тубдан фарқ қилиши томошабинларнинг қизиқишини орттирмакда. Бу мамлакатимизда кино санъатининг кескин ривожланиётганлигидан далолатдир.

Кино ижодкорларимиз томонидан навбатдаги «Уйин» фильми яратилиб, томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди. Алишер Навоий номли кино саройида ушбу фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда фильмнинг сценарий муаллифи таникли ёзувчимиз Шароф Бобоев, режиссёр Ориф Йўлдошев, оператор Султонмурод Тўхтамуродов ҳамда фильмда асосий ролларни ижро этган ижодкорлардан Мунаввар Абдуллаева, Улғабек Қодиров каби актёрлар билан бирга ёш истеъдод эгалари ҳам иштирок этишди.

Фильм сценарийси пухта воқеаларга бой. «Уйин» фильмининг мазмунинда инсонни тўғри йўлдан адаштирувчи, уни қабҳат ва разолатга бошловчи, ота-онасидан, яқин дўстларидан, хатто севган ёридан ҳам айирувчи киморнинг жirkan кўринишлари актёрлар тимсолида ҳаётий акс эттирилган. Фильм Алишер Навоий кино саройида намойиш этилмокда.

«Туркистон-пресс».

• Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport • Sport •

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯҚУНЛАНДИ

Чирчиқ шаҳрида Жалолиддин Мангуберди номидаги спорт мажмуасида илк бор ўтказилган ёғи биатлон бўйича Осиё очик чемпионати яқунланди. Мусобақада Россия, Япония, Жанубий Корея, Туркия, Латвия, Қозоғистон ва Қирғизистондан келган спортчилар голиблик учун кураш олиб борди.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда «East телеком» қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган беллашувар кизгин мурокасиз ўтди.

Чемпионатнинг сўнгги кунда ёшлар ўртасида кечган олти километр масофага югуриш ва эллик метрдан нишонга отиш бахсларида ҳамюртимиз Руслан Носиров мусобақадаги учинчи олтин медалини қўлга киритди.

Унинг жамоадоши Мурод Ҳожибоев эса кумуш медалга сазовор бўлди. Россия вакили Иван Панченко бронза медал билан тақдирланди. Эраклар ўртасидаги беллашуварларда россиялик Дмитрий Никифоров барна рақибларини доғда қолдирган бўлса, Жанубий Корея вакили Ли Ин Бок иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир россиялик Алексей Шепарёв учинчи ўринни қўлга киритди.

Кизлар ўртасидаги бахслар ҳам кескин курашларга бой бўлди. Беш километр

Шундан кейин

ҲАЙДОВЧИ АЙБДОР

АҚШдаги Даллас яқинида ёниб кетган автобус ҳайдовчисини қотилликда айб-лашмокда.

Қариялар уйининг 23 мижозини «Рита» довулидан панароқ жойга элиб қўймоқчи бўлган бу автобус тўсатдан ёниб кетди. Энди унинг ҳайдовчиси ўз ишига совуққонлик билан қараган ва оқибатда йўловчилар умрига зомин бўлган деб ҳисоблашяпти. Йўловчиларнинг ҳар бири учун у икки йилдан озодликдан маҳрум бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳайдовчи 10 минг доллар жарима ҳам тўлаши керак.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ЭШАК!

Намибиядаги уй эшаклари қулорга ёруклик қайтар-дишлар ўрнатилганидан бўлди. Бу ҳайвонларни ёритилмаган йўлларда пайқаш осон бўлиши ва улар йўл ҳодисалари сабабчиларига айланмаслиги учун ҳам шундай қилин-мокда. Мамлакатдаги эшаклар муҳофазаси жамғармаси маълумотларига кўра, Намибия йўлларидagi халокатларнинг тўртдан бири шу ҳайвонлар тўғрисида бўлиб берапти. Дайди эшакларнинг қандай ҳимоя қилиш мумкинлиги ҳақида эса, мазкур жамғармадагилар ҳозирча бирор тасаввурга эга эмас-лар.

ҲУЖУМЧИЛАРНИНГ ОМАДИ КЕЛДИ

Футбол бўйича миллий чемпионатнинг олий табақа жамоалари 23-тур учрашувларини ўтказдилар.

7 учрашунинг 6 тасида майдон эгаларининг қўли баланд келди, биттасида эса меҳмонлар ғалаба қозондилар.

Дарвозаларга 27 та тўп киритилди. Бу натижа олдинги турдагиларга нисбатан икки баробар кўпдир.

Бекободнинг «Металлург» жамоаси олдинги турда «Кизилқум» жамоасини 3:1 ҳисобида мағлуб этиб, муҳлисларини ҳушунд қилган эди.

Бу турда эса улар Қаршида «Насаф» жамоасига қарши баҳс юритдилар. Майдон эгаларининг 4 та тўғили металлурчилар биронта тўп билан жавоб қайтара олмади-лар. Улар ҳамон жаҳвалнинг 12-ўрнини эгаллаб турибди-лар.

Турнинг бошқа учрашувларида қўйидаги натижалар қайд этилди: «Пахтакор» — «Локомотив» — 5:1, «Трактор» —

ЎЗБЕК ТЕАТРИ – ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ СОВРИНДОРИ



Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган ХVII халқаро театр фестивалида Мухимий номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театрининг «Тўда» спектакли бир йўла икки совринга сазовор бўлди.

Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган ХVII халқаро театр фестивалида Мухимий номидаги Ўзбек давлат мусикали драма театрининг «Тўда» спектакли бир йўла икки совринга сазовор бўлди.

Спектакль режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мирза Азизовнинг маълум қилишича, фестивалда тўқсон тўртта мамлакатдан келган театр жамоалари қатнашган.

Фестиваль танловини доирасида шитирок этган спектакллар учун таъсис этилган олти совриндан иккитасига Ўзбек театри асари лойиқ топилди. «Тўда» спектакли «Энг долзарб муаммони кўтаргани учун» ҳамда «Иқтидорли ёш ижрочилар иштироки учун» совринлари билан тақдирланди.

Спектакль томошабинларни, айниқса ёшларни гиёҳвандликка қарши курашга давват этади.

Насрулло Қобулов пьесаси асосида сахналаштирилган ушбу спектаклга Баҳрулло Лутфуллаев мусика бас-талаган. Рақслар муаллифи — Арслон Акбаров. Ролларни Зулайхо Бойхонова, Турғун Бекназаров, Олтинбек Сафаралиев, Иқбол Ошиқов, Маърифат Ортиқова каби актёрлар ижро этган.

**Назокат УСМОНОВА,
Ўза Мухбири.**

МУЗЕЙГА 15 МИЛЛИОН

«Майкрософт» корпорацияси раҳбари Билл Гейтс ўзи ва рафиқаси томонидан ташкил этилган хайрия жамғармаси номидан жаҳондаги энг йирик компьютерлар тарихи музейига 15 миллион доллар ажратганини маълум қилди. Бу муассаса компьютер техникасининг ривож тарихи ҳақида ҳикоя қилади. Гейтснинг фикрича техниканинг айнан шу туринсон қийинлаш тарзини буткул ўзгартиришда халқулу-чи мавғага эга бўлган.

ЯНА БИР ТЎФОН

Қариб денгизда «Вильма» номли янги тропик тўфон шаклланади. АҚШнинг Флорида штатидаги довул-ларни кузатиш Майами миллий маркази олимларининг фикрига кўра, мазкур тўфон шу ҳафтанинг ўртасида Мексика қўлигига етиб келади. «Вильма» ушбу мавсумда Атлантикада кўтарилган 21-дovuл сифатида қайд этилмокда.

МИКРОЧИПЛИ ТИМСОҲ

Японияда хавфли ҳайвонларга микрочип ўрнатиш-мокчи.

Ҳар ҳолда мамлакат фуқаролари уйларида сақланаётган йиртқичлар бундан холи бўлмадилар. Узунлиги бир сантиметр, қалинлиги икки миллиметр бўлган мосламага ҳайвон эгаси ва йиртқичнинг ўзи ҳақидаги маълумотлар ёзилади. Бу хил микрочипларни 650 турдаги ҳайвонлар териси остига жойлаштириш режалаштирилган.



Гидрометеорология бoш бошқармасининг хабар беришича, 19 октябрь кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-9, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли худудларида ҳаво ўзгариб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-5, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Мирзо Улуғбек туманидаги «KASSIO SISTEM» масъулияти чекланган жамиятига тегишли муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1993 йил 16 февралда Ким Ольга Юрьевна номига берилган 07-01/5854 рақамли, ҳондонга эғалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қуйичирик туманидаги 26-мактаб томонидан 1991 йилда Абдуқайимов Анар Акрамовна номига берилган А 470169 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СП «OLTIN NON» сообшаёт об уменьшении общего разме-ра Уставного Фонда предприятия с 588 709,16 долларов США до 578 618,87 долларов США.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ** **Бош муҳаррир** **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

Шлефонлар: **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълолар: 133-58-85, 136-53-54.**

Манзил: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таърихият компьютер марказида тартибда ва саҳифаланган.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.